

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ БОШ
БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИНИНГ
БҮЙРУҒИ

49 Давлат ветеринария назорати остидаги юкларни экспорти, импорти ҳамда транзитида ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ташиш қоидаларининг 1-иловасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1302-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ–1816-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 434-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғининг 2003 йил 25 июлдаги 4-а-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат ветеринария назорати остидаги юкларни экспорти, импорти ҳамда транзитида ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ташиш қоидаларининг (рўйхат рақами 1302, 2004 йил 22 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 38-модда) 1-иловаси иловага* мувофиқ тахрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Н. ЮЛДАШОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 28 декабрь,
77-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.